

Пойабзал



09:03 / 04 март 2615

Раҳимберди – ўрта бўй, қора соч, қоши бироз ёйсимон, кўзлари катта, қиррабурун, қизғиш ёноқлари лўппи, думалоқ юзли, кулгичли, хушчақчақ, оқишдан келган олти ёшли бола. Ўша куни у эгнига сариқ, енги калта, кўкраги ёпиқ яктак, кулранг юпқа шалвар, оёғига эса янги қора тасмали бошмоқ кийиб олган эди.

Болакай қуёш тиккага келганда шошиб бувисиникидан уйга қайта бошлади. Кўчанинг ўнг томонидаги «Деҳқон бозори» ичидан ўтиб, кунботардаги катта қора панжарали дарвозадан чиқса, уларнинг кўчаси.

Эрталаб супурилиб, сув сепилган бўлса-да, айти дамда бозор тўзиб ётибди. Кираверишда каллаи саҳардан, то эрталабки тўққизгача кўкат ва сабзавотлар улгуржи сотиладиган жой бор. Улгуржи бозор аллақачон тугаган, чириган сабзавотлар, пўчоқлар ерда сочилиб ётибди.

Чап томонда қатор дўконлар. Ўнг томонда ҳожатхона бор. Ундан сал нарида парранда бозори. Ундан ўтиб олдинга юрилса, яна ўнг томонда чоғроқ жойда супурги, исириқ ва саватлар сотилади. У ердан ҳам ўтиб, тепароққа чиқилса, сабзавотлар растаси жойлашган. Картошка, сабзи, пиёз, шолғом, лавлаги – ҳаммаси чиройли қилиб расталарга териб қўйилган, баъзи жойларда эса улар оғзи «шимарилган» қопларга

солинган.

Сал нарида – кенг жойда эса улгуржи оладиганлар учун ҳам қопларга солинган маҳсулотлар уюм-уюм қилиб тахлаб қўйилган. Сабзавотлар растаси ҳар галгидек гавжум, одамлар бири олиб, бири сотяпти:

– Келинлар, картошкалардан берайми? «Нанай» дейсизми, «Олмос» дейсизми ҳаммасидан бор, – дерди қотмадан келган новчароқ йигит, олдига келган ўрта ёшли икки аёлга картошкаларини кўрсатаркан.

– Ука, шўрвани ширин қиладиган шолғом бўлади. Мана, кўринг, муштдек, сап-сарик, ширин шолғомлар, – яна бошқа тўладан келган сотувчи қаршисидаги ёшгина ҳаридорга шолғомини кўз-кўз қиларди.

Раҳимберди сабзавотлар растасидан ўтиб, бозордан чиқиб кетаркан, қора панжарали дарвоза ёнида, ногиронлар аравачасида ўтирган чап оёғи йўқ, болага кўзи тушди. Бефарқ одамлар уёқдан-бу ёққа ўтиб турибди. Реҳиберди яқинроқ борди. Бир оёғи йўқ бола усти юпун, хомуш ўтирарди. Унинг сочи қиртишланган, бироз қисик кўзи ичига ботиб, мижжалари қорайган, узунчоқ юзи ҳам заъфарон тусда, ўзи эса қорачадан келган, озғин жуссали, етти-саккиз ёшли бола эди. Эгнига икки жойидан чатилган, эски, ҳаворанг, енги калта, кўкраги ёпиқ яктак, узунлиги тиззасидан пастга тушиб турган қора калта иштон, ўнг оёғига оқ пайпоқ, унинг устидан эса таглиги ёрилгач ёнлари ҳам йиртилган кулранг елим шиппак кийиб олганди. Калта иштоннинг чап оёғини боланинг кесилган чап сонига қайириб, боғланган, кўкрагида эса юпқа, қизил лентаси бўйиндан ўтқизилган кичкина, қора камера.

Раҳимбердининг болага раҳми келди. Айниқса, унинг оёғига.

«Бир оёғи ўсмай қолган эканда», – ўйлади у. Бола билан дўстлашмоқчи бўлди.

– Камерангиз чиройли экан, менда бошқачароғи бор. Ойим олиб берганлар.

– Менга бугун тарбиячи опам олиб бердилар, – деб бола озғин бармоқлари билан камерасини силаб қўйди.

- Туфлигинг чиройли экан.

Раҳимберди шошиб кеча дадаси олиб берган тасмали бошмоғига қаради. Ўзи танлаганди. Сўнг ногирон боланинг оёғига назар ташлади. Унинг бир оёғида таги ёрилган, бироз каттароқ, эски шиппак осилиб турарди. Болага баттар раҳми келди.

- Истасанг, пойабзалимни сенга бераман!

- Чинданми?

- Ҳа, - Раҳимберди бошмоғини еча бошлади.

- Даданг уришмайдиларми?

- Йўқ. Дадам: «Одамлар ўзи яхши кўрган нарсасини бошқаларга ҳам илиниши керак», дейдилар. Шунда Аллоҳ ҳам уларни яхши кўриб, кўп совғалар бераркан! - деб у бошмоғини ечиб болага узатди.

- Ўнг оёғини берсанг бўлди. Барибир чапини киёлмайман.

- Ҳафа бўлма. Дадам менга кўп айтадилар, Аллоҳ бизни жуда яхши кўрар, нима сўрасак бераркан. Фақат яхши бола бўлиб, катталарни жавратмасак, бас. Ҳали кўрасан, оёғинг ўсиб, шеригидан ҳам ўтиб кетади. Кейин бунисига ҳам пойабзални кийволасан, - деб Раҳимберди жилмаяркан, юзида кулгичи пайдо бўлди. Сўнгра боланинг қўлидан тасмали бошмоғининг ўнгини олди-да, унинг осилиб турган йиртиқ шиппагини ечиб, ўзиникини кийгизиб қўйди.

- Раҳмат! Исминг нима? - деди бола бир Раҳимбердига, бир оёғидаги тасмали бошмоққа қараркан. У ўзида йўқ хурсанд эди.

- Раҳимберди. Сеники-чи?

- Дониёрбек.

Раҳимберди бироздан сўнг, хайрлашиб, оёқяланг уйга йўл олди. У жигарранг ёғоч дарвозани очиб, ичкарига кирганида севинчидан ўзига сиғмасди.

Ҳовлидаги гулзор четидаги катта ўрик дарахти соясида, нақшинкор сўрида

отаси Абдурахмон ака уни кутиб ўтирган эди. Раҳимберди кўринишда онасидан кўра отасига кўпроқ ўхшарди. Айниқса кўзлари.

- Ассалому алайкум, дадажон!

- Ваалайкум ассалом, келдингми? Сени кутиб ўтирган эдим. Тезда таҳорат ол. Пешин намозига чиқамиз, - деди-ю кўзи ўғлининг оёғига тушди.

- Ие, тасмали бошмоғинг қани? Бувингларникига ташлаб келдингми?

- Йўқ. Тунов куни ўзингиз: «Одамлар яхши кўрган нарчасини бошқаларга ҳам илиниши керак. Шунда Аллоҳ ҳам уларни яхши кўриб, кўп совғалар беради», - дегандингиз.

- Ҳа, тўғри. Эсингда қолган эканда. Баракалла! - кулди дадаси.

- Бозорнинг эшиги тагида бир бола ўтирган экан, дада, ўша боланинг бир оёғи ўсмай қолган экан! Шиппаги ҳам йиртиқ экан. Ўша болага оёқ кийимимни бериб юбордим...

- Сарик яқтак кийган болами?

- Ҳа, сиз ҳам кўрдингизми?

- Бироз аввал, бозордан қайтаётганимда кўрган эдим. Берай десам, пулим қолмабди. Яхши иш қилибсан, умрингдан барака топ, - Абдурахмон ака ўғлининг елкасига аста қоқиб қўйди.

- Энди бор, тезда таҳорат ол. Акс ҳолда, намозга кеч қоламиз.

- Хўп, ҳозир, - деб у тўғридаги уйнинг бўёғи ўчган поғонасида турган қора чарм шиппагини кийди.

Раҳимберди нонуштадан сўнг, кўчасининг бошига - бозор дарвозасининг ёнига борди. Болани тополмади. Эртасига ҳам борди. Яна хомуш қайтди...

* * *

Орадан уч ҳафта ўтиб, Абдурахмон ака энди ишга кетишга чоғланган эди, эшик тақиллаб қолди. Бориб очди. Дарвозанинг ўнг томонида бир эркак,

кичкина ўғил бола ва аёл, унинг ёнида эса оқ «Спарк» машинаси турарди.

– Ассалому алайкум! – деди нотаниш киши Абдурахмон акага қўл чўзиб. У эгнига дид билан тикилган қимматбаҳо қора шим ва енги калта оқ кўйлак кийиб олганди.

– Ваалайкум ассалом, келинлар.
Машинадан тушган аёл билан бола ҳам салом беришди. Аёл бошига оқ рўмол ўраб, узун, кенг, яшил кўйлак кийиб олганди.

– Ака, узр сизни ҳам эрталабдан безовта қилдик, – деди ҳалиги киши.
– Ҳечқиси йўқ, бемалол, – табассум қилди Абдурахмон ака ва ҳовлига таклиф этди. – Келинлар.

Меҳмонлар уй соҳибининг таклифини рад этишмади. Ҳовлига кириб, чорпояга ўтиришди. Абдурахмон ака дастурхонга уринаётган эди, меҳмонлар: «Биз муҳим бир иш билан келдик, тез кетишимиз керак, ҳеч овора бўлманг!..» – дейишди. Мезбон уларнинг қаршисига ўтирди.

– Абдуллаев Раҳимберди сизнинг ўғлингиз бўлса керак, – сўради аёл ийманиб.
– Ҳа, менинг ўғлим. Тинчликми? – бироз хавотирланиб сўради Абдурахмон ака.
– Ҳа, тинчлик! Менинг исмим Юсуфжон, «Меҳр-муруват» жамғармасида ишлайман. Бу киши Ҳалимахон – Дониёрбекнинг тарбиячиси, – бола билан аёлни таништиради Юсуфжон ака.

– Биз уч ҳафта бурун, ёрдамга муҳтож бемор болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бозорда яширин камера билан Дониёрбек иштирокида, – болага қўли билан ишора қилди Юсуфжон ака, – қисқа лавҳали видео олаётгандик. Тўсатдан ўғлингиз келиб қолиб, Дониёрбекка қилган муруввати ҳаммамизни ҳайратга солди. Сўнг бу видео билан «Бола дунёни қутқарар» номли Халқаро танловда қатнашдик. Бизга олий ўринни беришди! Ўғлингиз эса энг яхши қаҳрамон йўналиши бўйича ғолиб деб топилди! Ташкилотимизга ҳам катта миқдорда пул ўтказиб беришди.

Дониёрбекнинг оёғини протезига ҳам ҳомий топилди. Шундай бола тарбиялаганингиз учун сизга ташаккур! Мана бу ўғлингизнинг соврини, – деб Юсуфхон ака бир учи шимининг чўнтагидан чиқиб турган оқ хатжилдни олиб, Абдурахмон акага узатди.

Бу хушxabардан Абдурахмон аканинг кўзи беихтиёр билинар-билинемас ёшланди.

– Ўғлингиз уйдами? Ўзини бир кўрайлик, – деди Ҳалима опа Абдурахмон акадаги ўзгаришни сезиб.

– Ҳа, ҳозир, – у рўпарадаги уйга қараб, ўғлини чақирди. – Раҳимберди! – сўнг қўшиб қўйди, – дарс қилаётган эди.

Уй ичидан:

– Лаббай! Ҳозир! – деган овоз эшитилди.

– Қараб юбор, ўғлим.

Раҳимберди ҳовлига чиқди-ю нотаниш эркак ва аёлнинг ўртасида икки оёқда турган таниш болани кўриб, хурсанд бўлиб кетди. «Вой, оёғи ўсиб кетибди-ку!» деди ичида қувониб.

Акбар Файз
«Ҳилол» журналининг 3(48) сонидан